

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АРИПОВА ДЖАМИЛЯ ШУХРАТОВНА

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ ВА УРЕМИК СИНДРОМ
БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ЭФФЕРЕНТ ТЕРАПИЯ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по медицинским наукам**

**Contents of the abstract dissertation of doctor of Philosophy (PhD)
in medical Sciences**

Арипова Джамиля Шухратовна

Сурункали буйрак етишмовчилиги ва уремик синдром билан
оғриган беморларда эфферент терапия..... 3

Арипова Джамиля Шухратовна

Эфферентная терапия у больных хронической почечной
недостаточностью и уремическим синдромом..... 25

Aripova Djamilya Shukhratovna

Efferent therapy in patients with chronic renal disease
insufficiency and uremic syndrome..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АРИПОВА ДЖАМИЛЯ ШУХРАТОВНА

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ ВА УРЕМИК СИНДРОМ
БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ЭФФЕРЕНТ ТЕРАПИЯ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib852 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Даминов Ботир Турғунпўлатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Маъруф Шокирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Сабиров Максуд Атабоевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент врачлар малаксини ошириш институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-чи уй. Тошкент тиббиёт академияси. Тел./факс: (+99878)150-78-14).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли ресстр баённомаси).



[Handwritten signatures in blue ink]

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Буйраклар фаолиятини турғун пасайиши ва азот алмашинувини бузилиши билан юзага келадиган касалликлар сонини, шунингдек, уларни замонавий соғлиқни сақлашнинг аҳамиятли муаммоси сифатида тан олинган. Энг оғир асорат-уремик синдромнинг «... юқори сони нохуш башорат учун асосий сабаб бўлиб ҳисобланади ва сурункали буйрак етишмовчилигида (СБЕ) ўлим билан яқунланишнинг етакчи сабаблари қаторига киради...»¹. EUTox миссиясининг маълумотларига кўра «...буйракларнинг сурункали касалликларини даволаш учун молиявий ҳаражатлар йилига 500 млрд. еврони ташкил этади...»². Мазкур шароитларда буйрак ҳужайраларининг компенсацияланувчи функционал захирасида даволашнинг оптимал тактикасини танлаш ва олдини олиш биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда. Ушбу йўналишдаги сезиларли қадам бўлиб, энтеросорбцион-детоксикация-токсикантларни, молекуляр усти тузилмалари ва ҳужайраларни ноинвазив киритиш усулини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлиб ҳисобланади. Энтеросорбция (ЭС) организмдан экзо- ва эндоген табиатли потенциал ҳавфли моддаларни, алмашинувнинг оралиқ ва яқуний маҳсулотларини меъда ичак тизимида ютилиш ёки нейтрализация қилиш орқали энорал йўл билан чиқаришга асослангандир.

Жаҳонда сурункали буйрак етишмовчилиги ва уремик синдром билан хасталанган беморларда эфферент терапиянинг самардорлигини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада «Карбовит» ва «Полифепан» дори воситалари билан уремик токсинларни *in vitro* кинетикасини ҳамда буйрак етишмовчилиги тажриба моделида «Карбовит» ва «Полифепан» дори воситалари билан энтеросорбциянинг самардорлигини асослашдан иборат. Энтеросорбция жараёнида меъда ичак тизимининг тўсиқ-ҳимоя тузилмалари ҳолатини буйраклар етишмаслиги тажриба моделида баҳолашни асослашдан иборат. Сурункали буйрак етишмовчилигининг учинчи босқичи билан хасталанган беморларда «Карбовит» ва «Полифепан» энтеросорбентларнинг клиник самардорлигини ҳамда уларни беморлардаги эритроцитлар морфологиясига таъсир самардорлигини оширишга қаратилган даволаш тартибини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли соматик касалликларни ташхислаш, олдини олиш ва даволашга қаратилган қатор вазифалар юклатилган амалга оширилмоқда, «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самардорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини

¹Rutkowski B. Are so-called uremic toxins always toxic? // G. Renal Nutrition.–2008. - № 18. - P. 7-11.

²<http://www.uremic-toxins.org/index.html> (2018)

олиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида учрайдиган соматик касалликларни камайтириш, аҳоли орасида сурункали буйрак етишмовчилиги ва уремик синдром билан хасталанган беморларда эфферент терапиянинг самардорлигини такомиллаштириш қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш натижасида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда замонавий адабиёт манбаларининг маълумотлари шундан гувоҳлик берадики, урмия муаммоси якуний қарордан анча узоқ, кўплаб ривожланаётган мамлакатларда ўз вақтида ўтказилмайдиган ва юқори технологик даволашлар аҳолининг аксарият қисми учун қўлланилмайди. Шу билан боғлиқ ҳолда, касалликни эрта босқичларида профилактиканинг альтернатив усуллари излаш, сифатли ҳаётни таъминлаш ва молиявий харажатларни камайтириш янада муҳим масала бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммо ҳал этиш учун уремик токсинлар бўйича Европа ассоциацияси (2018) инновацион ва фармацевтик компаниялар, етакчи илмий-тадқиқот ҳамда клиник марказларнинг нуфузли мутахассислари томонидан тақдим этилган масалаларни устивор деб ҳисоблайдилар: эрта ташхислаш учун биомаркерларни баҳолаш; касалликни ривожланишини барқарорловчи бирикмаларни аниқлаш; биологик суюқликлар ва аъзо тўқималарини таҳлили учун замонавий технологиялар панелини қўллаш; касалликни олдини олишга қаратилган даволаш тамойилларни такомиллаштиришдан иборат.

Уремик синдромни олдини олиш ва даволашдаги ижобий ўзгаришларга қарамасдан илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш замонавий нефрологияда энг долзарб бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан мослиги. Диссертация

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Юрак қон томир тизими касалликларни билан хасталанган беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш» амалий грант лойиҳалари асосида (2014-2018 йй) бажарилган.

Тадқиқот мақсади: уремик заҳарланиш ва буйракларнинг сурункали касалликларида энтеросорбентларни қўллаш билан эфферент даволаш самарадорлигини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

«Карбовит» ва «полифепан» дори воситалари билан уремик токсинларни (УТ) *in vitro* кинетикасини баҳолаш;

буйрак етишмаслиги тажриба моделида «Карбовит» ва «Полифепан» дори воситалари билан энтеросорбциянинг самарадорлигини баҳолаш;

энтеросорбция жараёнида меъда ичак тизими тўсиқ-химоя тузилмалари ҳолатини буйраклар етишмаслиги тажриба моделида баҳолаш;

сурункали буйрак етишмаслигининг учинчи босқичи билан хасталанган беморларда «Карбовит» ва «Полифепан» энтеросорбентларнинг клиник самарадорлигини баҳолаш;

сурункали буйрак етишмовчилигининг учинчи босқичи билан хасталанган беморлардаги эритроцитлар морфологиясига энтеросорбциянинг таъсирини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида 2009-2019 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг учинчи клиникаси нефрология бўлимида даволанган буйракларнинг сурункали касаллиги билан хасталанган 128 нафар беморлар олинган. Стендли ва тиббий-биологик тажрибалар 360 та тажриба қаламушларда олиб борилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сурункали буйрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларнинг қон зардоби, биокимёвий кўрсаткичлари ҳамда тажриба ҳайвонларининг буйрак материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник, функционал, биокимёвий ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экспериментал моделда сурункали буйруқ касалликларни ва уремик аутоинтоксикацияларда энтеросорбентларни қўллаш билан эфферент даволаш усули экстракорпорал детоксикация орқали организмдаги захарли моддаларни чиқариш афзаллиги асосланган;

илк бор энтеросорбентлар самараси тажрибада буйрак етишмовчилиги кузатилган сичқонларнинг ичак деворларида патологик ўзгаришларда (шиллиқ қават атрофияси, ангиоэктазия, лимфоцитар ва нейтрофил инфилтратлар) ишончли регрессив таъсири исботланган;

эфферент даволаш усуллари касалликни патогенетик механизмларига таъсир этиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланиши, клиник белгиларнинг ижобий ўзгариши, коптокчалар фильтрацияси тезлиги ошиши аниқланган;

энтеросорбентлар қўлланиши натижасида эритроцитлар хавзасининг меъёрлашиши патологик шакллари улуши камайиши билан коррелятив

боғлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Карбовит» сорбентини «Полипепфан» дори воситаси билан солиштирилганда янада юқори элименация хусусиятлари очиб берилган;

сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган беморларда энтеросорбцияни қўллаш учун кўрсатмалар ва юзага келиши мумкин бўлган ножўя таъсирлар аниқлаштирилган;

сурункали буйрак касаллиги босқичларига боғлиқ ҳолда энтеросорбцияга ёндошувларни дифференциациялашга имкон берувчи тартибни танлаб олиш алгоритми ишлаб чиқилган;

энтеросорбция (энтеросорбция+гемодиализ) гибрид технологиясини қўлланилиши диализгача бўлган давр ва диализлар оралиғини ортиши хисобига даволаш учун кетадиган молиявий ҳаражатларни камайтиришга имкон берган ҳамда инкурабел клиник вазиятларда эса беморлар ҳолатини яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, лаборатор, биокимёвий, инструментал ва статистик усуллар асосида сурункали буйрак етишмовчилиги ва уремик синдром билан хасталанган беморларда эфферент терапиянинг самардорлигини баҳолаш ишлов берилганлиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эфферент тиббиётни келгусида ривожланишига ўзининг сезиларли хиссасини қўшиши, нанокомпозит углерод материаллари асосидаги бирикмаларни токсикантларни *in vitro* ва *in vivo* боғлаб олиш қобилиятини қиёсий баҳолаш «Карбовит» энтеросорбентини сурункали буйрак касалликларни даволашда қўшимча восита сифатида тавсия этишга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Олинган натижалар энтеросорбцияни соғлиқни сақлашнинг амалий жиҳатдан барча бўғинидаги даволаш муассасаларида янада кенг жорий этиш имкониятларини тўлиқ яратиш, ноқулай экологик минтақаларда энтеросорбция билан олиб бориладиган профилактик уремик агрессияни шикастловчи омилига организмни қаршилик кучини ошириш, сурункали буйрак касаллигини кечишини ўзига хослигини баҳолаш, уремик синдромни ташхислаш, даволашни янги рақобатли усулларини шакллантириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали буйрак етишмовчилиги ва уремик синдром билан хасталанган беморларда эфферент терапиянинг самардорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Уремик синдром ва сурункали буйраклар етишмовчилигини комплекс даволаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 10 июндаги 8 н-р/68-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома сурункали буйрак етишмовчилиги ва уремик синдром билан хасталанган беморларда эфферент терапиянинг ўрни ва аҳамиятини баҳолаш имконини берган;

«Нанокөмпозитли энтеросорбентни қўллаш билан буйракларнинг сурункали касалликларини даволаш усули» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 10 июндаги 8 н-р/68-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома сурункали буйрак етишмовчилиги ва уремик синдромни даволашда нанокөмпозитли энтеросорбентни қўллаш самардорлигини баҳолаш имконини берган;

Сурункали буйрак етишмовчилиги ва уремик синдром билан хасталанган беморларда эфферент терапиянинг самардорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш соҳаси амалиётига, жумладан, Республика биринчи клиник шифохонаси ва Тошкент тиббиёт академияси клиникаси, Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 8н-з/79-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сурункали буйрак етишмовчилиги ва уремик синдром билан хасталанган беморларнинг асоратланган шакллари даволаш натижаларини сезиларли, даволашнинг гибрид технологияли гемодиализ+энтеросорбция Kt/v кўрсаткичларини 1,05+0,05 дан 1,18+0,03 гача, ўртача 8%га ошириш имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти

очиби берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Буйрак етишмовчилиги ва уремик синдромда эфферент терапиянинг замонавий қарашлари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Буйраклар етишмовчилиги билан оғриган беморларни даволашни олдинги ютуқлари ва замонавий қарашлар акс эттирилган. Унда уремик синдромнинг асосий омиллари, ривожланиш механизмлари ва сабаблари кўриб чиқилган. Уремик токсин гастроинтестинал экскрециясидаги инновацион ёндошув сифатида энтеросорбция тўғрисидаги маълумотлар батафсил ёритиб берилган. Адабиёт маълумотларини чуқур таҳлили асосида сурункали буйрак касалликларини даволашни ҳал этилмаган муаммолари аниқланган ва келгусидаги илмий изланишларнинг йўллари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Буйрак етишмовчилиги ва уремик синдромда эфферент терапиянинг амалга ошириш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида «*in vitro* тажриба қисми» *in vitro* стендли тажрибалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Биринчи бўлим тажриба усулига ва синаладиган сорбентлар тавсифига бағишланган. Украинанинг НАН сорбция ва эндоекология муаммолари (Киев) институти томонидан ишлаб чиқилган «КАРБОВИТ» энтеросорбенти юқори ғовакли фаоллашган кўмир хусусиятлари билан бирга тузилишига кўра дори воситаси бир бири билан боғланган майда кристалитлар конгломератидан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири углероднинг графитсимон композициясининг бир қанча параллел қаватлардан тузилган.

«ПОЛИПЕФАН» энтеросорбенти ТОО «Сти-Медика» ва Россия Фанлар академияси молекуляр генетика институти (Москва) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, лигнинлар асосидаги сорбентлар гуруҳига кирувчи гранулянт, фенилпропан полимери бўлиб ҳисобланади. Доривор модда сифатида 80%га яқин лигнин ва 20% гидролизланмаган целлюлозалар сақлайди.

Текширилувчи дори воситалари билан уремик токсин боғланиш даражасини миқдорий баҳолаш 3,2 ммоль/л концентрацияли мочевиани (ҳар бир сорбент учун 6 дона пробиркада) сувли эритмаси ва 0,08 ммоль/л концентрацияли, рН 7.0, ҳарорати 22°C (ҳар бир сорбент учун 6 дона пробиркадан)да ўтказилди. Дори воситаларининг сорбцион фаоллиги вақт бўйича мочевина ва креатинин концентрациясини ўзгариши бўйича баҳоланди.

Эритмалардаги креатинин концентрациясини Яффе реакцияси бўйича «Диахим-креатинин» синамалар жамланмаси ёрдамида аниқланди. Мочевина концентрацияси «Биолахема-тест» синамалари жамланмаси ёрдамида уреаз усули билан аниқланди. Қон зардобидидаги умумий оқсил АКЖ «Ольвекс Диагностикум» (Россия) синамалар жамланмаси ёрдамида биурет усули билан аниқланди.

Тадқиқот маълумотларини статистик қайта ишлашда ўртача арифметик катталики (M), ҳисоблаш билан вариацион статистика усули, ўртача квадрат силжиш ($\pm\sigma$), ўртача арифметик катталик хатоликлари ($\pm m$) ва нисбий катталик (частота%) ларда қўлланилди. Олинган ўзгаришларнинг статистик аҳамияти ўртача катталиклар билан таққосланиб Стьюдент мезони бўйича аниқланди (t) ва бунда хатоликлар эҳтимоли ҳисобланади (P). Статистик белгилар ўзгариши учун ишончлилик даражаси $P < 0,05$ қабул қилинди.

Статистик қайта ишлашнинг биринчи босқичи MS Excel компьютер дастурини қўллаш ёрдамида бажарилди, унда тиббий-биологик статистикада қабул қилинган кузатув гуруҳларидаги текширилувчи кўрсаткичлар белгилари оралиқларини ҳисоблаш формулалари киритилди. Статистик таҳлил маълумотлари кетма-кетлигини иккинчи блоки тиббий маълумотлар таҳлилинини ўтказишга қўйилган талабларга мос ҳолда SystatSoftware (АҚШ) ва MedCalc (Belgium) дастур пакети ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқот маълумотлар «STATISTICA 6.0» (Statsoft, USA) компьютер пакетини қўллаган ҳолда қайта ишланди: кўрсаткичларнинг ўртача белгиси, ўртача квадратик силжиш, мустақил бўлмаган танлаб олиш учун Манн-Уитни мезони бўйича статистик аҳамият, Спирмен бўйича корреляция даражасини аниқланди. Кўрсаткичларни $M \pm SD$ каби тақдим этилди. Фарқлар $p < 0,05$ бўлганда ишончли деб ҳисобланди.

Биринчи босқичда стендли тажрибаларда текширилувчи сорбентлар билан уремик токсин элиминациясининг кинетикаси ўрганилди. Карбовит ва Полипепфаннинг сорбцион ҳажмини мочевинанинг 3,2 ммоль/л ва креатининнинг -0,08 ммоль/л концентрациясида, рН 7.0 ва 22°C ҳароратда сувли эритмада аниқланди.

Мочевинанинг элиминацияси бўйича маълумотларга эътибор қаратиш зарур, бу ерда «Карбовит» учун сорбцион мувозанат 10 дақиқадан сўнг юзага келса, «Полипепфан» учун эса 20 дақиқа талаб этилади.

Чегара адсорбцияси Γ ва адсорбция мувозанатининг константаси $K_{ни}$ Γ/C боғлиқлик жадвали бўйича аниқланди. Кейинчалик эса Лэнгмюрнинг $\Gamma = \Gamma_{\infty} - K$ ўртача тенгламаси бўйича мочевина ва креатинин нисбатига дори воситаларини адсорбцион ҳажми ҳисобланди. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, синама ўтказилган дори воситалари ичида мочевинага нисбатан «Карбовит» чегара адсорбциясига эга. Бу сорбентнинг 21,3 ммоль/г катталигини ташкил этди. «Полипепфан» нинг мочевина билан адсорбциясини чегара катталиги -4,2%.

Диссертациянинг «*in vivo* тажриба қисми» деб номланган учинчи бобининг биринчи қисмида тадқиқотнинг ушбу йўналиши бўйича материаллар ва усуллар баён этилган. Ишнинг тажриба қисми Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги педиатрия илмий тадқиқот институти лабораториясида бажарилди. Тажрибалар тана оғирлиги 180-220 грамм бўлган вояга етган зотсиз, оқ каламушларда (370) ўтказилди. Ҳайвонларни тажриба ўтказиш учун тайёрлаш, танлаб олиш ва сақлаш GLP (1992)нинг клиникагача тажрибалар тизими учун қабул қилинган қоидаларига мосдир.

Тадқиқотни баён қилинаётган қисми ўз ичига икки босқични олди.

Биринчи босқич жараёнида буйрак етишмаслигининг тажриба модели ишлаб чиқилди. Шу мақсадда ҳар бирида 10 дона ҳайвондан иборат бўлган 6 тажриба гуруҳи шакллантирилди. Ҳар бир ҳайвонда кунлик диурезнинг ҳажми ва мочевина ва креатининнинг зардобдаги концентрацияси аниқланди. Барча ҳайвонлар стандарт виварий парҳезини қабул қилдилар. Тажрибанинг биринчи куни назорат гуруҳ (НГ) ҳайвонларига зонд орқали дистилланган сув юборилди, қолган гуруҳ ҳайвонларига эса –симоб нитратининг турли концентрациясидаги эритмаси: 1 мг/кг, 5 мг/кг, 10 мг/кг, 15 мг/кг и 20 мг/кг киритилди. 7, 14 ва 28 кунлар барча ҳайвонларда мочевина ва креатининнинг уремик токсинлар концентрациясини аниқлаш, шунингдек, диурезнинг кунлик ҳажмини аниқлаш учун дум венасидан қон олиш ўтказилди. Тадқиқотнинг мазкур қисми натижасида буйраклар етишмовчилигини тажриба модели учун симоб нитрати эритмасининг оптимал концентрацияси ва ўрганиладиган даволаш схемаси самарадорлигини баҳолаш учун тадқиқотларнинг оптимал даври аниқланди. Тадқиқот натижаларига кўра, буйрак етишмовчилигини 10 мг/кг миқдорда симоб нитратни бир марта қўллаш билан кейинги моделлаштириш ва 14 ва 28-и кунлари кузатишнинг токсик таъсирини баҳолаш асосли эканлиги исботланди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи ўз ичига экспериментал буйраклар етишмаслигида энтеросорбентларни қўллаш самарадорлигини баҳолашдан иборат бўлди. Бунинг учун ҳайвонларни 4 гуруҳи ажратилди. НГ гуруҳи - (негатив назорат) ўз ичига 22 дона ҳайвонни олиб, уларга биринчи куни ва ҳар куни тадқиқотнинг 14 кунидан 28 кунигача зонд орқали энтрал йўл билан дистилланган сув юборилди. НГ+ ҳайвонлар гуруҳи (позитив назорат, 23 дона ҳайвон) биринчи кун энтрал йўл билан тажрибанинг биринчи босқичи жараёнида ўрнатилган дозада симоб нитрати, 14 кундан 28 кунгача эса ҳар куни дистилланган сув юборилди. Карбовит (22 дона ҳайвон) ва Полифепан (23 дона ҳайвон) гуруҳларида биринчи кун энтерал йўл билан симоб нитритини тажрибанинг биринчи босқичи жараёнида ўрнатилган дозада ва кейинчалик 14 кундан 28 кунгача ҳар куни мос бўлган энтеросорбент (Карбовит 0,1 г/кг ёки Полифепан 0,1 г/кг) юборилди. Барча ҳайвонлар стандарт виварий парҳезида бўлдилар. 14 ва 28 кунларда барча ҳайвонларда зардобдаги мочевина ва креатинин концентрациясини аниқлаш учун дум венасидан қон олиш ўтказилди, шунингдек, бир кеча-кундуз давомидаги диурез ҳажми қайд этилди. 28 куни ҳайвонлар сўйилди (декапитация) ва ичаклар деворининг морфологик текшируви ўтказилди, бу жараёнда шиллик ва мушак қаватининг атрофияси, ангиоэктазия, нейтрофил ва лимфоцитар инфильтрация каби деворнинг патологик ўзгариш белгилари аниқланди.

Морфологик текширишлар академик В.Вохидов номидаги «РИХИАМ»нинг патологик анатомия лабораториясида (раҳбар-профессор И.М.Байбеков) ўтказилди. Тажриба ҳайвонларининг ингичка ва йўғон ичаклари тўқимаси тузилмавий таҳлилга учратилди. Олинган намуналар нейтрал формалиннинг 10-12%ли эритмасида фиксация қилинди. Мос бўлган қайта ишланишдан сўнг тўқималар парафинга қуйилди ва 5-7 мкм

қалинликдаги кесмалар тайёрланди, сўнгра улар гематоксилин ва эозин билан бўялди.

Статистик қайта ишлаш ўз ичига барча олинган маълумотларни тадқиқот гуруҳларига мос бўлган Excelнинг жамланма жадвалларига киритиш, гуруҳлардаги ўртача арифметик катталикларни ҳисоблаш ва унинг стандарт хатоликларидан иборатдир. Гуруҳлараро қиёслаш уч ва ундан ортиқ солиштиришлар учун Бонфероннинг корректирланган тўғрилашлари, тенг бўлган ва тенг бўлмаган Стюдентнинг икки жуфт мезонларини қўллаш билан ўтказилди.

Симоб нефропатияси моделидаги *in vivo* тажрибаларида энтеросорбция самарадорлигини текшириш жараёнида кузатишларнинг 14 кунига келиб кунлик диурезни 50%дан кўп сезиларли пасайиши қайд этилди (НГ+ гуруҳида 58,95%, карбовит гуруҳида 52,78% ва полифепан гуруҳида 58,44%, НГ-гуруҳидаги фарқлар, КГ+гуруҳидаги якуний маълумотлар билан, карбовит ваполифепан– $P<0,001$, кузатишларнинг 14 кунда гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг абсолют белгилари бирхилда бўлди ва 14 кунга келиб абсолют динамика ишонсиздир).

Кейинчалик НГ+гуруҳида диурезнинг кунлик ҳажми камайишда давом этди (дастлабки маълумотларга нисбатан 66,86%, $p<0,001$), энтеросорбция гуруҳида эсакамайди.

Полифепан энтеросорбентини қўллаш 14 кундан 28 кунгача диурез ҳажмини аниқ бўлмаган ортишига сабаб бўлди, натижада якуний кўрсаткич дастлабки маълумотлардан 55,9%га камайди (дастлабки маълумотлар билан фарқлар ишончилиги, $p<0,001$). Карбовит гуруҳида бир кеча-кундузги диурезнинг янада яққол намоён бўлган ортиши қайд этилди (14 кунлик кўрсаткичлар билан $p<0,05$). Натижада диурез дастлабки натижалардан 42,16%га кам бўлди (якуний маълумотлар билан фарқлар ишончилиги). Карбовитнинг Полифепанга нисбатан устунлиги 28 кунга келиб эришилган диурезни ишончли юқори ҳажмга эришилиши билан намоён бўлди (энтеросорбция гуруҳлари ўртасида 28 кунга келиб диурезнинг ишончли фарқи $p<0,001$), аммо гуруҳлар ўртасидаги нисбий динамика катталиклари эмас.

Полифепанни қўллаш билан энтеросорбция мочевина концентрациясини (кузатишларнинг 14 ва 28 кунларидаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ $p<0,01$) ва креатининни ($p<0,001$) ишончли пасайишига сабаб бўлди. Бунда дастлабки белгилардан нисбий динамика 28 кунга келиб ишончли равишда кам бўлиб чиқди, яъни Полифепан билан солиштирилганда (кузатишларнинг 28 кунига келиб ҳар икки кўрсаткич учун дастлабки маълумотлар билан ишончилилик 52,52% ва 145,28%, $p<0,001$), Карбовитфонида энтеросорбентларнинг самарадорлиги ишончли равишда юқоридир (мочевина учун 15,11% ва креатинин учун 78,19%, кузатишларнинг 28 кунига келиб якуний маълумотларга мос холдар $p<0,05$ ва $p<0,001$).

Экспериментал буйрақлар етишмовчилиги бўлган барча ҳайвонларда кузатишларнинг 28 кунига келиб декапитация ва ингичка ичаклар деворини морфологик тадқиқ қилиш ўтказилди (1-жадвалга қаранг). НГ+ гуруҳидаги

уремияли захарланишнинг таъсири НГ-гуруҳидаги каламушлар билан солиштириб баҳоланди.

1-жадвал

Энтеросорбция негизида экспериментал буйрак етишмовчилигида ингичка ичак деворларидаги морфологик ўзгаришларнинг учраш сони (белгиларнинг учраш сони % кўрсатилган)

Гуруҳлар	КГ-		КГ+		Карбовит		Полифепан	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Ҳайвонлар миқдори	22		23		22		23	
Шиллиқ қаватлар атрофияси	1	4,5	23	100,0	12	54,5	18	78,3
Мушак қобиғининг атрофияси	0	0	14	60,9	9	40,9	10	43,5
Ангиоэктазия	1	4,5	19	82,6	7	31,8	12	52,2
Нейтрофил инфилтратлар	0	0	20	87,0	11	50,0	18	78,3
Лимфоцитар инфилтратлар	1	4,5	23	100,0	9	40,9	12	65,2

Белгилар	Хи квадрат		
	Барча гуруҳлар	Буйраклар етишмовчилиги	Энтеросорбция
Шиллиқ қаватлар атрофияси	47,0***	13,5**	нд
Мушак қаватлар атрофияси	19,2***	Нд	Нд
Ангиоэктазия	29,8***	12,0**	нд
Нейтрофил инфилтратлар	41,5***	8,3*	4,0*
Лимфоцитар инфилтратлар	43,8***	18,6***	нд

Изоҳ: * - мезонлар ишончилигининг χ^2 : битта белги – $p < 0,05$, иккита белги – $p < 0,01$, учта белги – $p < 0,001$.

Аниқландики, симоб нитрати таъсиридан сўнг 28 кунга келиб экспериментал буйраклар етишмовчилиги фонида шиллиқ қаватлар (100% ҳайвонларда) ва мушак қобиғи (60,87%) атрофияси, ангиопарезнинг кўриниши сифатида ангиоэктазия (82,61%), нейтрофил (86,96%) ва лимфоцитар (100%) инфилтрация аниқланди. Энтеросорбентларни қўлланилиши патологик ўзгаришларни намоён бўлишини ишончли камайтиради ва шиллиқ қаватлар атрофиясини ($p < 0,01$), ангиоэктазияни ($p < 0,01$), нейтрофил ($p < 0,05$) ва лимфоцитар ($p < 0,001$) инфилтрацияни

намоён бўлиш сонини пасайтиради. Гуруҳлараро солиштиришда нейтрофил инфилтратларини ($p < 0,05$) аниқланиш сониди Полифепан билан солиштириш бўйича Карбовитнинг ишончли равишда юқори самарадорлигини аниқлади.

Диссертациянинг «**Сурункали буйрак етишмовчилиги уремик синдромни эфферент даволаш натижаларининг самардорлиги**» деб номланган тўртинчи бобида Тошкент Давлат тиббиёт академияси нефрология бўлимида амбулатор кузатувида бўлган СБК III босқичи билан оғриган 128 нафар беморлар киритилган. Тадқиқотдаги беморлар когортида эркаклар кўпчиликти ташкил этди (92 нафар бемор–71,8%). Беморларнинг ўртача ёши $41,14 \pm 1,17$ ёшни, СБК нинг давомийлиги $-7,14 \pm 1,38$ ёшни ташкил этди. 97 нафар беморда (75,78%) СБК кўриниши сифатида артериал гипертензия ёки эссенциал гипертензия кузатилди. Гемоглобиннинг ўртача даражаси $102,73 \pm 5,18$ г/л гача пасайди, бу ренал камқонлик билан ҳам сурункали касалликлар кам қонлиги билан ҳам боғлиқдир.

СБКлар этиологиясидаги энг кўп учрайдиган сабаб бўлиб аутоиммун гломерулопатия-сурункали гломерулонефрит, тизимли қизил волчанкадаги нефрит ва бириктирувчи тўқиманинг бошқа касалликлари-65 нафар беморлар (50,71%) бўлди. Учраш сони бўйича иккинчи ўринда турувчи сабаблар бўлиб –юқумли яллиғланишлар–сурункали пиелонефрит ва пешоб ажратиш тизимининг обструктив шикастланишларидаги иккиламчи пиелонефритлар – 36 нафар беморлар (28,13%) бўлди. Метаболик нефропатиялар камроқ (қандли диабет ва подагра фониди)–20 нафар беморда (15,63%) ва жами 2 нафар (1,56%) беморда учраган бўлса, СБК буйраклар поликистози фониди ва буйраклар артериясининг атеросклеротик стенозида иккиламчи бўлди.

Тадқиқотга киритилиш вақтида барча беморлар асосий касаллиги бўйича тавсия этилган базис даволашни, шунингдек, СБКларини ривожланишини олдини олишга қаратилган нефропротектив даволашни қабул қилдилар, унинг таркибига ангиотензин рецепторларини фермент/блокаторларга айланттирувчи ангиотензин ингибиторлари, бета-адреноблоаторлар, артериал нормотензияни ушлаб учун кальций каналларининг блокаторлари, статинлар (кўрсатма бўйича), антиагрегатлар ва антикоагулянтлар киритилди.

Тадқиқотга киритилишдан олдин барча беморлар тасодифий ҳолат бўйича 3 гуруҳга бўлинди: СБК бўйича стандарт даволаш ва базис даволаш қабул қилган 24 нафар бемор киритилган НГ гуруҳи, Карбовит (53 нафар бемор) гуруҳи, уларга стандарт нефропротектив даволашдан ташқари 12 г/сутка дозада карбовит энтеросорбенти қўшилди ва Полифепан (51 нафар бемор) гуруҳи, даволаш таркибига 30 мг/кун миқдорда полипепан энтеросорбенти қўшилди.

Кузатишлар муддати 30 кунни ташкил этди, муддат якунланган барча беморларда электролитлар, умумий оксиллар ва уремик токсинларни зардобдаги концентрацияси киритилган даволаш самарадорлигини қиёсий текшириш ўтказилди. Бундан ташқари, меъёрий ва патологик шакллар улушини аниқлаш билан эритроцитларни периферик ҳолатини текшириш

ўтказилди. Кузатишларнинг бошида ва сўнгги даврида визуал аналог шкаласини (ВАШ) қўллаш билан беморларнинг клиник ҳолатини баҳолаш ўтказилди.

Беморларнинг клиник ҳолатини баҳолашда субъектив маълумотларга асосланилди ва ВАШни қўллаш йўли билан олиб борилди. Беморга чидаб бўлмас даражадаги ёмон ҳолат, шунингдек, «10» – тўлиқ соғлом, ЖССТ берган таърифга кўра: «Нафақат касалликнинг мавжуд бўлмаслиги, балки тўлиқ жисмоний, руҳий ва эмоционал осойишталикдир» белгиланди. Ўзининг ҳолатини баҳолаш учун беморга таянч белгилари–СБК билан хасталанган беморларда энг кўп учрайдиган симптомлар: гастроинтестинал дискомфорт; бош оғриши, миалгия, артралгия, диссомния; жисмоний ва руҳий иш қобилияти; хансираш; шишлар; оғизни қуриши; терини қичишиши аниқлаш топширилди.

Баҳолаш беморни тадқиқотларга киритилганда ва 3 кунлик кузатишлар динамикасида ўтказилди. Баҳолашдаги ўзгаришлар 1 баллдан ортиққа ўзгарган ҳолатларда бемордан таянч рўйхатидаги қайси симптомлар ўзгарганини аниқлаштириш сўралади. Текширишлар жараёнида беморларнинг аксарият гуруҳида (50%дан ортиқ) намоён бўлган симптомлар кайд этилди.


Эритроцитлар периферик пули морфологиясини текшириш. ЭМТК усули Ўзбекистон Республикаси патенти – Байбеков И. М., Стрижов Н. А. «Эритроцитлар шаклини шошилиш ташхислаш» – 30.10.2006 йилдаги DGU20060142. Капилляр қонидан фойдаланилди: 2 томчи суртма қони буюм ойнасига 1:1 нисбатда суюлтирилиб жойлаштирилади. Шошилиш таҳлилни ўтказиш имконияти бўлмаганда, маҳкамланган қондан (2%ли глутар альдегид эритмасидан) фойдаланилади. Хосил бўлган суспензияга горизонтал равишда қопама ойна туширилади, унинг остида хосил бўлган қаватни ёруғлик микроскопи остида кўриш мумкин.

Эритроцит шакллари нисбатини ҳисоблашни 10x60 ёки 10x40 катталаштиришда ва ҳар бир босқич ҳамда тадқиқот муддатларида эритроцитларни 1000 дан кам бўлмаган танлаб олишда ўтказилди.

Статистик қайта ишлаш гуруҳлар бўйича ўртача арифметик катталикларни ҳисоблаш, уларнинг стандарт хатоликлари ва гуруҳлараро таққослашларни ўз ичига олган. Гуруҳлар ўртасидаги ишончлилик фарқини аниқлаш учун Стюдентнинг тенг бўлмаган силжишлари билан икки жуфт мезонлари қўлланилди. Мезонни коррекция қилиш учун 2 дан ортиқ қиёслаш ҳолатларида Бонферрон тузатиши киритилди. Кўрсаткичлар динамикасининг аҳамиятлилиги кўзатишларнинг 30-чи кунда ва гуруҳлардаги дастлабки белгиларни солиштириш усули билан баҳоланди. Бунинг учун Стюдентнинг жуфт мезонлари қўлланилди. Гуруҳладаги учраш белгиларининг сонини таққослаш учун эркинлик даражаси сонига боғлиқ ҳолда критик белгилар жадвали бўйича унинг ишончлилигини баҳолаш билан х квадратнинг жадвал мезонлари қўлланилди.

Тадқиқотга киритиш вақтида ВАШ бўйича клиник ҳолатни баҳолаш учта гуруҳдаги барча беморларда 4,5 баллдан паст бўлди, гуруҳлар

ўртасидаги фарқ 1-расмда келтирилган. Кузатишларнинг охириги даврида НГда ВАШ баллини 11,64%га ишончли пасайиши қайд этилди (дастлабки маълумотлар билан фарқлар ишончлилиги – $p < 0,05$), бу асосий касалликни базис даволаш ва СБКни ривожланишини тўхтатишга қаратилган нефропротектив даволашга қарамадан патологик жараённи ривожланишидан гувоҳлик беради.



1-расм. Энтеросорбция негизида СБКнинг III босқичи билан хасталанган беморларда ВАШ клиник ҳолатини баҳолаш балларини динамикаси

Изоҳ: * – дастлабки маълумотлар билан фарқлар ишончлилиги, ^ – НГ маълумотлари билан фарқлар ишончлилиги. Битта белги – $p < 0,05$, иккита белги – $p < 0,01$, учта белги – $p < 0,001$. Карбовит ва полифепан гуруҳлари ўртасида ишончли фарқлар аниқланмади.

Энтеросорбция гуруҳида эса аксинча ВАШ баллини ортиши қайд этилди: Полифепан гуруҳида – 13,99% га (дастлабки маълумотлар билан $p < 0,001$), Карбовит гуруҳида – 29,47% га (дастлабки маълумотлар билан $p < 0,001$). Натижада кузатишларнинг охириги даврига келиб, энтеросорбция гуруҳида ВАШнинг клиник ҳолатини баҳолашни ўртача балли НГ гуруҳига нисбатан ишончли равишда юқори бўлиб чиқди (НГ билан энтеросорбциянинг ҳар икки гуруҳидаги фарқлар ишончлилиги $p < 0,001$), бунда кузатишларнинг 30 кунига келиб Полифепан ва Карбовит гуруҳларида ВАШ баллари ўзаро қиёсий бўлди.

Уремик эндотоксикозда кузатиладиган клиник белгилардан бири бўлиб, уремик прурит ҳисобланади. Ушбу тадқиқотда беморларга 4 балли тизим бўйича тери қичишишини намоён бўлишини баҳолаш таклиф этилди, унга мос ҳолда 0-балл- қичишишни мавжуд эмаслиги, 3-балл- доимий, яққол намоён бўлган қичишиш баллари қилиб белгиланди. Текширишлар якунида, тадқиқотга киритилган барча беморларда тери

қичишишини намоён бўлишини баҳолашни ўртача $1,62 \pm 0,04$ баллини ташкил этди ва тадқиқотдаги барча гуруҳларда ўзаро қиёсий бўлди (2-жадвалга қаранг). Кузатишларнинг охириги босқичида НГда пруритнинг намоён бўлиши ўзгармади, бу вақтда эса энтеросорбция гуруҳида камайди (Карбовит гуруҳида якуний маълумотлар билан ишончлилик $p < 0,01$ ва Полифепан гуруҳида $p < 0,05$). Натижада энтеросорбция гуруҳида НГ гуруҳи билан солиштириш бўйича пруритни баҳолаш балларини ишончли камайишига эришилди ($p < 0,01$).

2-жадвал

Энтеросорбция негизида сурункали буйрак касаллигининг III- босқичи билан хасталанган беморларда уремик пруритни намоён бўлишини баҳолаш баллар динамикаси (суратда–дастлабки маълумотлар, махражда – кузатишларнинг 30 куни)

Кўрсаткич	НГ (n=24)	Карбовит (n=53)	Полифепан (n=51)
Пруритни балли баҳолаш	$1,63 \pm 0,15$ $1,71 \pm 0,14$	$1,60 \pm 0,27$ $1,36 \pm 0,07^*$	$1,63 \pm 0,07$ $1,41 \pm 0,07^{\wedge}$
Нисбий кўрсаткич, %	$16,67 \pm 15,82$	$-6,60 \pm 6,18$	$-1,96 \pm 7,40$

Изоҳ: *-фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - $P < 0,05$),
 \wedge - фарқлар дастларки маълумотлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\wedge - $P < 0,05$)

Тадқиқотга барча когорт бўйича СБКнинг III билан оғриган беморларни киритилганда қондаги мочевина ва креатинин миқдори юқори даражада бўлди ($287,69 \pm 7,97$ мкмоль/л ва $23,05 \pm 0,47$ ммоль/л га мос холда), бу –СБК патологиясининг асл кўринишини акс эттиради. Периферик веноз қонидаги оксиллар концентрацияси $58,06 \pm 1,36$ г/л ни ташкил этди, бу кўрсаткичнинг меъёрий чегараларидан сезиларли даражада паст демакдир. Қондаги электролитлар концентрациясини тадқиқ қилиш, калийнинг юқори концентрациясини намойиш этди ($4,81 \pm 0,10$ ммоль/л), бу СБК лари учун хосдир, бу вақтда эса натрий концентрацияси белгиларнинг меъёрий чегарасида қолди ($141,48 \pm 2,06$ ммоль/л).

